Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 2 (2026) · "Milliy statistika tizimida yangi bosqich: barqaror rivojlanish maqsadlari, xalqar... DOI: 10.5281/zenodo.24320331

"MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR"

OLIY TAЪLIMDA ZAMONAVIY TALABLAR NEGIZIDA STATISTIKA TIZIMI UCHUN MILLIY KADRLARNI TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH MUAMMOLARI

ISLOMOV BOBUR ZARIFJON O'G'LI
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti mustaqil izlanuvchisi
Tel: +998 (97) 929-52-21

Zamonaviy iqtisodiyotning raqamlashishi va «Big Data» (katta ma'lumotlar) davriga o'tilishi statistika tizimi oldiga mutlaqo yangi vazifalarni qo'ymoqda. Oliy ta'lim tizimida ushbu soha kadrlarini tayyorlash masalasi bugungi kunda ham dolzarb, ham strategik ahamiyatga ega. Oliy ta'limning innovatsion salohiyatini rivojlantirish uchun asosiy manba sifatida davlat byudjeti mablag'lari ekani, moliyalashtirishni boshqa manbalari kam salmoqni tashkil etishi to'g'risida turli fikrlar, yondashuvlar ishlab chiqilgan. Masalan ushbu yondoshuvlarda davlat, respublika va mahalliy byudjetlarning ta'limga yo'naltiradigan xarajatlarining minimal ulushini belgilash; maqsadli soliqlarni joriy etish; aholi jon boshiga pul miqdori yoki umuman oliy ma'lumotga YAIMning ulushi bo'yicha hisoblangan davlat xarajatlarining minimal standartlarini belgilash; «maqsadli subsidiyalar» joriy etish kabi fikrlar mavjud. Biroq, bizning fikrimizcha, byudjet daromadlari va xarajatlari, hatto qonun bilan tasdiqlangan bo'lsa ham, davlat oliy ta'limning innovatsion rivojlanishini rag'batlantirish subyekti rolini qonunchilik, tartibga solish va ijro etuvchi hokimiyat darajasida o'z zimmasiga olmasa, u innovatsion ta'lim siyosatini yuritishda rag'batlantiruvchi ta'sirga ega bo'lmaydi.

Mavjud muammolar va kamchiliklar

Milliy kadrlar tayyorlash tizimida quyidagi tizimli muammolar kuzatilmoqda:

- Amaliy ko'nikmalarning etishmasligi: Talabalar nazariy statistikani yaxshi bilgan holda, zamonaviy dasturiy vositalar ($Python$, R, $STATA$, $SPSS$) yordamida ma'lumotlarni qayta ishlashda qiyinchiliklarga duch kelmoqda.
- O'quv rejalarining davr bilan hamnafas emasligi: Ma'lumotlar injeneriyasi, mashinavoy o'qitish ($Machine Learning$) va iqtisodiy bashorat qilishning zamonaviy usullari o'quv dasturlariga to'liq singdirilmagan.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI — Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti —

Published: 05.06.2026

Cite this article: Исломов Бобур Зарифжон ўғли (2026). Олий таълимда замонавий талаблар негизида статистика тизими учун миллий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммолари. Emro Science and Education, 2(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320331

© 2026 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

- Интеграциянинг заифлиги: Статистика агентлиги ва бошқа амалиёт органлари билан ОТМлар ўртасидаги алоқанинг етарли эмаслиги сабабли битирувчилар меҳнат бозори талабларига мослашишда вақт йўқотмоқда.
- Малака ошириш тизимининг сустлиги: Соҳада ишлаётган кадрларнинг халқаро стандартлар (масалан, СНА-2008) ва янги методологиялар бўйича билимларини янгилаб бориш тизими тизимли йўлга қўйилмаган.

Бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари молиявий таъминотининг ҳуқуқий асослари «Таълим тўғрисида»ги қонунда ва Ўзбекистон республикаси Президенти фармон ва қарорларида, Вазирлар маҳкамасининг қарорларида ҳамдаа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қатор меъёрий-хуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни»214нинг Таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш номланган 38- моддасида, жумладан, Давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш давлат гранти ва (ёки) тўлов-шартнома асосида амалга оширилади», деб кўрсатилган. Қонуннинг бу моддасига мувофиқ ҳозирги кунда таълим муассасаларини молиялаштириш давлат бюджетидан ўқитишнинг таълим гранти шаклида ва ўқитишнинг тўлов контракт шакли ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш йўналишлари

-Йўналиш,Таклиф этилаётган чора-тадбирлар;

-Интеграция,ОТМ ва Статистика агентлиги ўртасида «Дуал таълим» тизимини жорий этиш;

-Квалификация,"Педагог кадрларнинг халқаро молия ташкилотлари (IMF, World Bank) курсларида малака оширишини мажбурий қилиш.";

-Технология,Ўқув жараёнига Machine Learning (Машинали ўқитиш) элементларини киритиш;

-Сертификатлаштириш,Талабаларга диплом билан бирга халқаро даражадаги профессионал сертификатларни олиш имконини яратиш.

Халқаро амалиётда «давлат молиясининг маъмурий функцияларини рағбатлантирувчи воситаларга айлантириш ўтказиш жараёнида давлат харажатларини бошқариш соҳасидаги натижадорлик кўрсаткичларига эришиш мақсадлари ва усуллари белгиланадиган махсус тартиблар мажмуини методологик жиҳатдан асословчи дастурий-мақсадли

214 Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2020 йил 24 сентябрь

бюджетлаштириш концепцияси доирасида амалга оширилади»215. АҚШ, Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия каби мамлакатларда «дастурий мақсадларни ранжировка қилиш, дастурларнинг самарадорлиги ва самарадорлигини ўлчаш, шунингдек, «уларнинг бажарилиши бўйича ҳисобот бериш тартибларини баҳолашга хизмат қиладиган ижтимоий соҳадаги давлат молиясини бошқариш усуллари ишлаб чиқилган. Айни пайтда, ушбу технологиялар у ёки бу даражада, нафақат ривожланаётган мамлакатлар (Таиланд, Туркия, Папуа - Янги Гвинея), балки ўтиш иқтисодиёти давлатлари (Болгария, Венгрия)да ҳам қўлланилади»216. Бу давлатларда бюджет ислоҳотлар жараёни ҳали якунланмаган ва бирон бир аниқ натижалар ҳали йўқ, лекин улар тўпланган тажриба мамлакатимиз учун фойдали бўлиши мумкин - масалан, ижтимоий соҳада давлат бошқаруви органларининг давлат жавобгарлигини такомиллаштириш мақсадли дастурлар самарадорлигини ошириш билан параллел равишда содир бўлади. Уларга давлат муассасалари фаолиятининг ҳажмга оид кўрсаткичлари, давлат томонидан тақдим этилаётган хизматлар сифати кўрсаткичлари ва истеъмолчиларнинг қониқиш кўрсаткичлари киритиш орқали эришилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари молиявий таъминотининг ҳуқуқий асослари «Таълим тўғрисида»ги қонунда ва Ўзбекистон республикаси Президенти фармон ва қарорларида, Вазирлар маҳкамасининг қарорларида ҳамдаа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қатор меъёрий-хуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни»217нинг Таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш номланган 38- моддасида, жумладан, Давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш давлат гранти ва (ёки) тўлов-шартнома асосида амалга оширилади», деб кўрсатилган. Қонуннинг бу моддасига мувофиқ ҳозирги кунда таълим муассасаларини молиялаштириш давлат бюджетидан ўқитишнинг таълим гранти шаклида ва ўқитишнинг тўлов контракт шакли ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу қонуннинг «Таълимни молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб қувватлаш» деган 9-бобининг «Таълим ташкилотларини

215 Performance Budgeting: Past Initiatives Offer Insights for GPRA Implementation. United States General Accounting Office // GAO Report to Congressional Committees. - 1997. -March.

216 Добрынин А. И., Дятлов С. А., Цыренова Е. Д. Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования. - СПб. : Наука, 1999. - С.39.

217 Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2020 йил 24 сентябрь

олиялаштириш деган 62-моддасида Давлат таълим муассасаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан, кадрлар буюртмачиларининг маблағлари ҳисобидан, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларҳисобидан амалга оширилиши белгиланган. Шунингдек, нодавлат таълим ташкилотларини молиялаштириш муассисларнинг, кадрлар буюртмачиларининг пул ва моддий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши ҳам белгилаб қўйилган.

Қонуннинг мазкур бобида давлат таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳам берилган бўлиб, унга кўра таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари қуйидагилардан иборат:

шартномалар асосида, шу жумладан чет эллик жисмоний ёки юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳисобидан тушган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмалари асосида илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ва қонунда тақиқланмаган бошқа ишларни бажариш ҳисобидан тушган маблағлар;

таълим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотни, бажарилган ишларни ва кўрсатилган хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар;

бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага бериш ҳисобидан тушган маблағлар;

таълим ташкилотларининг бўш турган пул маблағларини банк муассасаларига депозитларга жойлаштириш ҳисобидан олинган пул маблағлари (фоизлар);

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратиладиган маблағлар;

банк кредитлари ва ссудалари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари.

Қонунда таълим муассасаларига қўшимча таълим хизматлари ўрсатганлик учун ҳақ ундириш тартибини мустақил равишда белгилаш хуқуқи берилган бўлиб, улар пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳисобидан олинган пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этишга ҳақли эканлиги белгибаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698 - сонли «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»218ги қарорига асосан олий таълим муассасаларида молиявий таъминотни кучайтиришни илмий-инновацион ҳамда илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш ҳисобига амалга ошириш белгиланди ҳамда олий таълим муассасаларида инновация фондини ташкил этиш вазифаси белгилаб берилган.

Замонавий статистикни тайёрлашда «Учлик модел»ни қўллаш лозим:

1. Иқтисодий назария: Жараёнларнинг мазмунини тушуниш учун.
2. Математик статистика: Ҳисоблаш алгоритмларини англаш учун.
3. IT-саводхонлик: Маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун.

Муҳим эслатма: Статистика соҳасидаги таълим сифатини ошириш — бу шунчаки рақамлар билан ишлашни ўргатиш эмас, балки жамият ва иқтисодиётдаги ўзгаришларни «ўқий оладиган» аналитик онгни шакллантиришдир.

Муаммоларни бартараф этиш йўллари

Кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирлар таклиф этилади:

- «Университет 3.0» модели доирасида трансформация: Таълим, илм-фан ва амалиётни бирлаштирган ҳолда статистик тадқиқотлар марказларини ташкил этиш.
- KPI асосида малака ошириш: Статистика соҳаси ходимларини мунтазам равишда тест ва амалий лойиҳалар орқали малакасини текшириб бориш.
- Рақамли инфратузилмани ривожлантириш: ОТМларда булутли технологиялар ва катта маълумотлар базалари билан ишлаш имкониятини яратиш.
- Халқаро ҳамкорлик: Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, статистика тизими учун миллий кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш – бу иқтисодий хавфсизлик ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг кафолатидир. Замонавий статистик нафақат математик, балки кучли IT-мутахассис ва иқтисодий таҳлилчи бўлиши талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

218 https://www.lex.uz/docs/3723561

1. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.** «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида. — Тошкент, 2023 йил.

2. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.** Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-4796-сон. — Тошкент, 2020 йил.

3. **Абдуллаев А.М. ва бошқалар.** Статистика: Назария ва амалиёт. Дарслик. — Тошкент: «Иқтисод-Молия», 2021. — 450 б.

4. **Шодиев Т.Ш.** Эконометрика: Олий ўқув юртлари учун дарслик. — Тошкент: «Фан ва технологиялар», 2019.

5. **Набиев Ҳ.** Олий таълим муассасаларида статистик кадрлар тайёрлашнинг замонавий тенденциялари // Экономика и финансы (Узбекистан). — 2022. — №4.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI — Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti —